



Истиклол туйфайли кайта тикланаётган миллий тарихимизни тўғри англаш учун уни бадиий адабиётда ҳаққоний акс эттириш талаб этилади. Ижодкорларимиз шу масъулиятни чуқур хис қилиб, ижодий эркинликдан фойдаланган ҳолда тарихий мавзуда кўплаб асарлар ёздилар. Уларда Беруний, Амур Темур, Мирзо Улугбек, Махмуд Кошгарий, Махмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби аждодларимиз образлари маҳорат билан яратилди. Хусусан, бу борада, шох ва шоир Бобурнинг шахсияти, унинг зиддиятга тўла ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи ҳикоялар эътиборга лойиқ.

Биргина “Бобурнома”да келтирилган бир тарихий воқеа тафсилоти уч ижодкорнинг, яъни, Пиримкул Кодировнинг “Мардлик”, Хайриддин Султоновнинг “Нукта”, Урфон Отажоннинг “Бобур ва Бехзод” ҳикояларини яратилишига сабаб бўлди. Ҳар бир ижодкор ўз гоёвий максадидан келиб чиққан ҳолда бу тарихий ҳақиқатни асар сюжетида сингдирди.

“Бобурнома”да Чахчарон, Чарокдондан ўтиш тафсилотлари тўлиқ келтирилади: “Чахчарондин икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуг бўлди: узангудин юқорроқ эди, балки ақсар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди. Лангари Мир Гиёс навоҳисида Қобулга не йўл била борушимизни кенгаштук. Мен ва, ақсар, барин эдукким, кишдур, тоғ йўлида кўп дагдага ва тараддудтур, Қандаҳор йўли агарчи бир нима йирокдур вале бетараддуд ва бедагдага борилур. Қосимбек, ул йўлни йирокдур, бу йўл била борурбиз, деб кўп жаҳл қилди, бу йўлга бўлдук. Бир Султон отлик пешойи бошчи эди, қарилгидин ё олдорагонидинму ё қорнинг улуглигидинму, йўлни йўқотти, бошлай олмади”. (Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Юлдузча нашриёти. 1989 йил. 174-бет. Бундан кейинги мисолларда асар БН тарзида кўрсатилади ва саҳифалар қавс ичида берилди).

Адиблар Хайриддин Султонов, Урфон Отажон бу маълумотларни ўз ҳикояларида келтирмайдилар. Пиримкул Кодиров эса Бобурнинг эътирофларидан ўз ҳикоясида маҳорат билан фойдаланади: “Бобур кўрикчи йигитлари билан отланиб чиқаётганида, Қосимбек афгонларнинг пашойи қабиласи яшайдиган қишлоқдан Султон деган бир йўл кўрсатувчини топиб қелди.

Олачипор салла ўраган, баланд бўйли, бурни узун, жингалак соқолига оқ оралаган бу одамнинг юзи Бобурга алланечук тунд кўринди”.

Ёзувчи шу тарихи ҳикояга Султон образини қиритади. Бобурнинг уни ҳушламаслиги (Султон юзининг тунд кўриниши, Бобурга тик қараб, дадил жавоб қайтариши, туркий тилда у ҳақда айтилган фикрларни англаб, истехзоли қулимсираб қўйиши, “совук бир нарса”си)ни тасвирлаш билан ўқувчида Султонга нисбатан шубҳа уйғотади. Аста-секин Султоннинг бу ишга бош қўшиши сабаби темурийзодалар томонидан ўлдирилган яқинлари учун интиқом олиш экани аён бўлади.

Хайриддин Султоновнинг “Нукта” хикоясида айтилган маълумот: “Султон пешойи отлиг кекса йўлбошловчи совукдан гангибми ё азбаройи қариликми йўлни йўқотди”, шаклида соддагина ифода этилади. Урфон Отажон бу қахрамонни хикояга киритмайди.

Бобур изтиробли сафарни шундай тасвирлайди: “Бир хафтага ёвуқ қор тепиб, қунда бир шаръий – бир ярим шаръийдан ортик қўчулмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўгли Тенгриберди ва Қанбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди... Хар қадам қўйғонида белигача, қўксигача бота-бота қор тепар эди”. (БН, 174).

Пиримкул Кодиров Султон табиати, ниятидаги ўзгаришларни тасвирлашда “Бобурнома”даги шу маълумотлардан ўринли фойдаланади: “Султон Бобурнинг совқотиб асабийлашишини, йўл жуда секинлаб қолганидан тажанг бўлишини, одамларига бақариб-сўқиниб иш буюриши, айтганини қилмаганлар бўлса, қамчи билан савалашини қутмоқда эди. Отаси ва ақасини ўлимга буюрган ҳукмдорлар қиёфасида Султон ана шунақа золимларни қўрган, бугун эса улардан бирининг талвасага тушишига гувоҳ бўлиб, бир аламдан қикқиси қелар эди”. Бирок, Султон қутганидек бўлмайди.

Чунки Бобур: “Маҳал ул эмас эдиким, кишига тақлиф ва зўре қилмаган, хар қимнинг қиммати ва қуръати бўлса қундоқ ишларни ўзи қила қилур” (БН, 175), деб ҳисоблайди.

Пиримкул Кодиров қахрамонлар нутқи, ички монолог, табиат манзараларни тасвирлаш асносида, Бобур шахсиятидаги мардлик, олижаноблик, фидойилик қаби фазилатларни очиб беради.

“Бобурнома”да Қўтали Заррин, Хаволи Қутийдан ўтиш тафсилотлари ҳам тўла баён қилинган. Хайриддин Султонов бу воқеаларни лирик тарзда баён қилади. Бобурнинг рухий изтироблари ҳам шу йўсинда тасвирланади. Бу қечинмалар Бобур қаламидан тўқилган қардлар изқорига ниҳоятда яқинлиги билан ажралиб туради.

Пиримкул Кодиров эса навқарлардаги тушқунлик қайфияти, ўзи қалдага муҳтож Бобурнинг уларга қасқин бериши, кейин қурақни олиб, “қортўла” қазиси, шу ерда қигиз ва жойнамоқ ёздириб, қор бўрони остида намоз ўқишини тасвирлар экан, Мирзоқули, Мамақбек, Тохир қўрқибеги образларидаги ўзига ҳос қиқатлар ҳам яққол намён бўлади.

Бобурнинг: “Ўшандоқ қопқунда қозқон, ясақон қуқурда ўлтурдум, намози ҳуфтангача қор онча қопқулаб ёғдиқим, мен энгашиб ўлтуруб эдим, орқамга ва бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт эллиқ қор бор эди” (БН, 175) деган маълумотларидан хар учала адиб хикояларида ҳам фойдаланилган.

Бобур Қахқарон воқеаларидан олдинроқ Маъсума Султон бегим ҳақида фикрлар билдиради. Ёзувчи Пиримкул Кодиров воқеалар баёнида “Бобурнома”даги қетма-қетлиққа амал қилади. Урфон Отажон эса бу ёқимли хотираларни кейинроққа қўқаришни маъқул қўради.

Хайриддин Султонов “Нукта” хикоясида маққур воқеани лирик қеқиниш сифатида қўллади. Шунинг учун хикояда воқеанинг кейинги ривожига ўрин ажратмайди.

Урфон Отажон эса қор бўронидан Бобур ҳаётининг ҳуш лақзаларини, Бехзод ҳақидаги фикрларини тасвирлашда фойдаланади.

Бобур ўта маққатли бу сафар ҳақида тўқталар экан, шундай гувоҳлик беради: “... Ул неча қун бисёр ташвишлар ва маққатлар тортулди, андоққим, муқдатул-умр муңча маққат қамроқ тортилиб эди. Бу маққлаъни ўшал фурсатта айтилди:

Қарқнинг мен қўрмаган жавру жафоси қолдим,

Ҳаста қўнғлум қеқмаган қарду балоси қолдим?” (БН, 174).

Адабиёт тарихи учун ҳам ахамиятли бўлган бу маълумотлардан фақат Хайриддин Султоновгина фойдаланади: байтнинг дастлабки мисрасини Бобурнинг ички монологу киритади. Бу байтнинг хикоялардан ўрин олиши Бобурни шоир сифатида ҳам тасвирлаш имконини берган бўларди. Зеро, таҳлил қилинаётган хикояларда эътибордан четда қолган жихатлардан бири шудир.

Мазкур хикоялар орасида Хайриддин Султоновнинг “Нукта” хикояси пухта сюжети, равон ифода услуби, тарихий материалларнинг салмоғи, ёрқин образлари билан ажралиб туради. “Бобурнома”да 1528 йил вокеалари баёнида Хумоюннинг навкарлари Баёншайх ва Беккина Вайс Логарийнинг ташрифи ҳақидаги маълумотлар кайд этилади ва Хумоюнга йўлланган мактуб матни тўлалигича келтирилади. Хайриддин Султонов шу мактубни 11 қисмга ажратади ва улар орасида Бобур ҳаётидаги унутилмас воқеаларни, мактубни битиш асносидаги рухий кечинмаларни махорат билан тасвирлайди. Хосил бўлган воқеалар занжири Бобур ҳаёти ва шахсияти ҳақидаги муҳим тасаввурни хосил қилиш имконини беради.

“Бобурнома”даги қайдлардан маълум бўлишича, Бобур Хумоюнни ўғил қўргани билан қутлайди. Айни пайтда, исм танлашдаги хатосини ҳам кўрсатиб ўтади: “Отини Алъамон қўймишсен, тенгри муборак қилгай. Вале, бовужудким, ўзунг битибсен, мундин гофил бўлубсенким, қасрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундок алиф-лом отта кам бўлур...” (БН,320). 1529 йил воқеалари баёнида ҳам бу исм Бобурга “хуш ёкмагани” таъқидлаб ўтилади. Бобурнинг кенг дунёқараши, тенгсиз шахсиятининг бир қиррасини очишга хизмат қилувчи бу факт Хайриддин Султонов эътиборидан четда қолмайди. Алъамоннинг таваллуди Хумоюн тугилган пайтдаги воқеаларга, унинг исми Бобур фарзандларининг исмларига қиёсланади. Бу қиёс ёзувчига Бобур ҳаётидаги машаққатли ёки файзиёб лаҳзаларни тасвирлаш, “элга шоху қисматга қул” бўлган буюқларнинг ҳам гоҳо чорасиз қолишлари ҳақидаги изтиробли кечинмаларни бадиий инкишоф этиш имконини беради. Бу кечинмалар тасвирида ҳам “Бобурнома”даги воқеалар баёнининг излари бор. Масалан, ёзувчи Абдуллатиф ҳақида сўз юритар экан, Бобур тилидан: “Ахир, Султон Мирзо Улугбекдек фозили замоннинг норасо фарзанди Абдуллатиф шу беш кунлик ўтар дунё учун шундок қари ва донишманд отасини қатл этди”, – дейди. “Бобурнома”да бу воқеа қуйидагича баён этилади: “...Улугбек Мирзодин ўғли Абдуллатиф Мирзо олди. Бу беш кунлук ўтар дунё учун андок донишманд ва қари отасини шахид қилди...” (БН,48).

Бобур салтанат қутқуси сабаб падари ё ўғлининг, тугишганлари ё қондошларининг ҳаётига нукта қўйган ҳукмдорларнинг қилмишларидан изтиробга тушади. Хикояда Бобурнинг ҳавотирлари тасвирланар экан, тарихимиздаги “қора доғлар” – салтанат таллашишлар, Хусайн Бойқаро ўғилларининг, Бобурнинг Жаҳонгир Мирзо исмли ўғай инисининг қирдикорлари ҳам қаламга олинади.

“Бобурнома”да 1501-1502, 1506-1507, 1527, 1528 йиллар воқеалари баёнида Бобурни қулоқ огриги безовта қилгани қайд этилган (БН, 88, 175, 310, 313, 317). Ёзувчи бу маълумотлардан усталик билан фойдаланади ва хикоя сюжетига Қўтали Зарриндаги воқеаларни қўшади. Бу воқеа 1506-1507 йиллар оралигида бўлиб ўтгани “Бобурнома”дан маълум. Хикояда Бобур шахсиятининг яна бир ибратли жихати Қўтали Заррин воқеаларига боғлиқ тарзда тасвирланади. Бу ҳақда “Бобурнома”нинг “1501-1502 йиллар воқеалари”да шундай дейилади: “... Ул мартабада совук эдиким, ушул икки-уч киши бу орада совукнинг шиддатидин ўлуб эди. Манга гуслга эҳтиёж эди. Бир арик суйидаким ёқалари қалин муз тунгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жихатидин ях боғламайдур эди,

бу сувга кириб гусл килдим. Ўн олти катла сувга чўмдум. Сувнинг совуклиги хейли таъсир килди”. (БН, 88). Гарчи, Бобур: “Манга гуслга эhtiёж эди”, деса-да, ёзувчи Бобурнинг ирода кучини тасвирлашни ният килганидан “черикнинг сескангани”ни сабаб килиб кўрсатади ва унинг талкинича, Бобур шу тарика ибрат кўрсатиб, кўшиннинг руhini кўтармокчи бўлади. Ёзувчи махорати туфайли турли йилларда бўлиб ўтган вокеалар бир бутунлик, изчиллик касб этади.

“Бобурнома”да юкорида кўрсатилган йилларда Бобурнинг тез-тез иситмалаб, касал бўлиб колгани хам кайд этилади. “Нукта” хикоясида Бобурни шундай холатда, яъни, дардманд кўрамиз, у мактубни ёзиш жараёнида хам бир неча бор тўхтайтиди, гоҳ кулогини ушлайтиди, гоҳ бемажол бўлади. Хикоядаги илк жумлаларда хам шундай “маълумотлар” бор: “Икки хафтадирки, Ограда беморнинг хасратидек узун, тинимсиз ёмгир куярди. Икки хафтадирки, файзу шукуhini йўкотган Боги Нурафшонга дарчадан махзун бокиб ётган Захириддин Мухаммад Бобур бу кун ёстикдан бош кўтарган, тонг сахардан хилватхонада ёлгиз ўтирганча Кобулга-Хумоюнга мактуб битмокда”. Тинимсиз ёгаётган ёмгирни беморнинг узун хасратига ўхшатиш-оригинал бадий кашфиёт. Колаверса, хикоя кахрамони – бемор Бобурнинг рухий холатида хам эзгинлик ва хасрат устувор. Сохибининг хасталиги туфайли Боги Нурафшон файз-у шукуhini йўкотган бўлса, хаста киши учун наинки Боги Нурафшон, балки бутун олам бефайз, бешукух туюлиши аён хакикат. Гарчи, Бобурнинг вужуди хаста бўлса-да, тафаккури теран, мулохазалари асосли. Ёзувчи Бобурнинг дардли ўйларини тасвирлар экан, мухим фалсафий фикрларни унинг ички кечинмалари тарзида баён килади: “...изтироблар боиси-тирикликда, инсонликда. Факат тирик одамгина изтироб чекмокка, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, хаётнинг жамики машаккатларини енгиб бормокка кодир. Дунёдаги хатто энг улуг ўлик хам изтироб чекмокдан махрум, зеро, инсоний изтироб-тириклик нишонаси, бархаёт диёнат овозидир...”.

Бобур фарзандларининг хар жихатдан комил инсонлар бўлиб етишишини иштайтиди. Улардаги ўзи сезган камчилик ва хатоларни бошклар кўришини хохламайтиди, уларни бартараф этишга харакат килади: маслахат беради, йўл-йўрик кўрсатади. Хумоюн мактубининг “асру муглак”лиги, имло хатолари отанинг “дилини музтар килади”. “Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: хам сенга ташвиш озрок бўлур, хам ўкугучига...”, деб насихат килади Бобур (БН, 321). Бу нуктада Бобурни тадбиркор хукмдор, меҳрибон ота, етук тилшунос сифатида кўрамиз. Ёзма нуткка кўйиладиган талабларни бундан аниқрок ифодалаш кийин.

Ёзувчи Бобурнинг яна бир тарихий хизмати – “Хатти Бобурий” хакидаги фикрлар баёнида гоятда кизикарли вокеаларни тасвирлайтиди. Шергориддаги англашилмовчилик, мўътабар шарият пешволарининг ташрифи хакидаги вокеалар занжирига мунажжим Мухаммад Шариф кирдикорларига тегишли тасвирлар мохирлик билан уланади. Хикоядаги Мухаммад Шариф образи оркали ўша давр мутаассибларининг хукмдорларга босим ўтказишга интилишлари, уларнинг фолларига ишониб, салтанатнинг такдирини мунажжимлар башоратлари асосида хал килган подшоҳларнинг забун холлари хакидаги тарихий хакикатлар акс эттирилади. “Бобурнома”да Мухаммад Шариф номи уч бора тилга олинади. 1526 йил вокеалари баёнидаги гувоҳлик Мухаммад Шариф хакида тўлик тасаввур хосил килади: “...Мухаммад Шариф мунажжим шумнафас агарчи манга айтур ёроси йўк эди, хар кимга йўлукса муболагалар билан айтур эдиким: “Бу айёмда Миррих гарб саридур, хар ким бу тарафдин урушса маглуб бўлур”. Мундок шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг бу паришон сўзларига гўш

килмай, килур ишларимизни тигилмай уруш ишида бажид ва масоф килмокка мустаид бўлдук (БН,286). Мухаммад Шариф шундай “юз кароликлар”га карамай, Бобурни яхши-ёмон кунларда йўклагани “Бобурнома”да кайд этилади. Мазкур кайдлар Бобур табиатидаги мухим бир жихатни кўрсатади: гарчи Мухаммад Шариф Бобурнинг зиёнига иш тутса-да, Бобур унинг олдинги хизматларини юз-хотир килади, ўзидан узокрок тутса-да, жазоламайди, эл катори хадялар беради. Бобурнинг бу фазилати хикояда акс этмаган.

Ёзувчи Мухаммад Шарифнинг килмишлари ва Газна мужовирларининг найранглари орасида ўхшашлик кўради. “Бобурнома”да 1503-1504 йиллардаги вокеалар баён килинар экан, шу вокеа хам келтирилади: “... Дедиларким, Газнанинг кентларида бир мазор бордурким, салавот айтгоч, кабр мутахаррик бўлур. Бориб мулохаза килилди, кабрнинг тебрангани махсус бўлди. Сўнгра, маълум бўлдиким, мужовирларнинг тазвири экандур. Кабрнинг устига бир жулъя ясабтурлар, хар замон жулъяга тегадурлар, жулъя тебрангач, кабр тебрангандек махсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач, сохил мутахаррик махсус бўладур. Буюрдумким, мужовирлар жулъядин йирок турдилар, бир неча салавот айттилар, кабрда харакате махсус бўлмади. Буюрдумким, жулъяни бузуб, кабрнинг устида гунбаз килдилар. Мужовирларни бу харакаттин тахдид била манъ килилди” (БН,126).

Хайридин Султоновнинг “Нукта” хикояси “Бобурнома”даги вокеаларнинг шунчаки такрори эмас, балки адабиётшунос Умарали Норматов таъбирича, “хар бир сатри хакида биттадан хикоя ёзиш мумкин бўлган муаззам асар” – “Бобурнома”ни “кўнгил кўзи билан мутолаа килган адиб”нинг юксак поэтик диди, бадий тафаккур тарзини намоён этувчи ижод махсулидир.

Пиримкул Кодиров “Мардлик” хикояси экспозициясида Бобурнинг оилавий хаётдаги омадсизлиги, биринчи турмуш ўртоги Ойша бегимнинг окибатсизлиги натижасида аёллардан кўнгли совугани хакидаги фикрни келтиради. Мохим бегимнинг бог кўчадан ташлаган атиргули хакидаги бадий киритма “Юлдузли тунлар” романидаги шу вокеа тасвирини ёдга солади. Романда Хирот доругаси Юсуф Алибек Мохимнинг оиласи хакида маълумот берса, хикояда Косимбек кизни кидириб топишга ваъда беради.

“Бобурнома”да Кўтали Зарриндаги вокеалардан сўнг туркман хазораси билан бўлган тўкнашув тасвирланади ва Кобулдаги тартибсизликлар хакида сўз боради. Пиримкул Кодиров Бобурнинг хавфли сафарга чикишига, айнан, шу вокеани сабаб килиб кўрсатади ва Чахчарон вокеаларини ўзига хос тарзда талкин этади. Хикояда Султон образи етакчи ўрин тутди. Ёзувчи Султон рухиятидаги ўзгаришлар тадрижини ишончли тарзда асослайди. Интиком туйгусининг узок вақт хукмронлик килиши, Бобурнинг шох ва инсон сифатидаги харакатлари Султоннинг виждонини уйготиши, яратган ва келажак авлодлар олдидаги масъулият хиссининг голиб келиши тасвирланар экан, Султон образининг янги кирралари очилиб боради. Бу тарихий шахс хакидаги бадий тўкималар хикоянинг муваффакиятли чикишига замин яратади. Муаллиф Султоннинг интиком истагини темурийлардан бўлган Абусаид Мирзога боглаши, Абусаиднинг Бобурга бобо бўлиши, Абусаид ва ўгли Махмуд Мирзонинг Хуросонга бостириб кириши, Шохрух Мирзонинг якинларидан ўч олиши каби тарихий вокеалар бадий тўкима таъсирида янада ишонарли чиккан. Хикояда адибнинг кузатувчанлиги сезилиб туради. “...Юкорига кўтарилганлари сари юриш кийинлашади, от-уловлар бурунларидан ховур чикариб, огир-огир нафас олишади, хоргин пишкиришади. Беку навкарларнинг огизларидан чиккан ховур ёгаётган корга кўшилиб, сокол-мўйловларга оппок киров

бўлиб ёпишади ва хаммани мўйсафидга ўхшатиб кўрсатади”, каби тасвирлар Бобур ва хамрохлари чеккан азобларни аниқроқ тасаввур этишга хизмат қилади.

“Бобурнома”да “Намози хуфтанда горни яхши мулоҳаза қилгонлар кичкириштиларким, хавол асру кенг хаволдур, бу элга тамом ер бор...”, деб қайд қилинади (БН,175). Урфон Отажон хикоясида Бобурга бу хабарни Косимбек етказса, Пиримкул Кодиров талкинчи, бу ишни қилган Султондир: “...Юринг, мен сизга хамма одамларингиз сигадиған улкан хаволни кўрсатай!”. Бу талкин Султон рухиятидаги эврилишларни яққолроқ тасвирлаш мақсадидан қелиб чиққан. Бобурнинг эътиқоди, қор бўралаб турган пайтда намоз ўқиб, парвардигордан нажот тилаши Султоннинг дили ва тилига “Барча мусулмонлар бир-бирларига биродардирлар” хикматини солади. Султон қилган иш ҳам мардлик ҳисобланади. Хикояга ном сифатида берилган бу фазилат унинг икки қахрамони – Бобур ва Султонга бирдек тегишли дейиш мумкин.

Пиримкул Кодиров Хайриддин Султонов ва Урфон Отажондан фарқли равишда, Қобулдаги воқеалар тафсилотида ҳам хикоядан ўрин ажратади. Бу воқеалар “Бобурнома”да келтирилган тартибда тасвирланади. Фақат Бобурнинг яхшиликларини унутиб, унинг ўрнига, Мирзохонни подшоҳ қилиб тайинлаган қариндошларининг оқибатсизлиги ҳақидаги гаплар хикояга киритилмаган. Бу ҳам Бобур шахсиятидаги мардликни кўрсатиш истаги билан боғлиқ. Бобур фитнага шерик бўлган Султон Санжарга нисбатан олижаноблик қилади. “Чун хон додамнинг волидаси Шохбегим хоҳарзодаси бўлур эди, буюрдумким, мундок беиззатона кездурманг, ўлум йўқтур”, дейди (БН, 179). Худди шундай илтифотни ўғай момоси Шохбегим (фитнақор Мирзохон унинг невараси эди)га, холаси Хўб Нигорхонимга нисбатан (унинг эри Муҳаммад Хусайн Мирзо ҳам фитнанинг ташкилотчиларидан эди) ҳам кўрсатади. “Бемурувват ва ҳақношунос киши” –Муҳаммад Хусайннинг ҳам гуноҳидан ўтади.

“Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи Хайдар Муҳаммад Хўб Нигорхоним ва Муҳаммад Хусайннинг фарзанди эди. Қобулдаги воқеаларга шахсан гувоҳ бўлган адиб шундай ёзади: “... яхшилик ва мурувват Бобур Подшоҳга хос сифатлар эди... Шохбегим Подшоҳни кўргач, хижолат бўлиб, тилига бирор сўз келмай қолди. Бобур Подшоҳ тиз чўқиб, адаб расмига риоя қилган ҳолда, мулоҳимлик билан: “Ғар мухтарам она ўғилларидан бирортасига меҳрибонлик кўрсатса, бошқа ўғил қандай қилиб бундан ҳафа бўлсин? Онанинг ҳар қандай истаги фарзандлар учун қонундир”, деди-да, тагин кўшиб қўйди: “Мен тун бўйи ухламай узок йўл босиб келдим”, дея ухлаш учун бошини Шохбегимнинг қучоғига қўйди. Буни у Шохбегимга таскин бериш учун қилди...”. Шу далилнинг ўзи ҳам Бобурнинг олижаноблиги, мардлиги, юксак маънавият соҳиби эканлигини исботлаб турибди. Хайдар Муҳаммад Бобурнинг бошқа айбдорларга бўлган муносабатини ҳам батафсил тасвирлайди. Аммо Пиримкул Кодиров воқеалар тасвирида “Бобурнома” даги далилларга асосланади.

“Бобурнома”да Хирот таассуротлари батафсил баён қилинади. Фақат Урфон Отажонгина бу тафсилотларга хикоясида кенг ўрин ажратади. Улар қор чоҳида ўтирган Бобурнинг ҳаёллари тарзида тасвирланади. Бу тасвир ўша давр Хиротидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шахзодаларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлар, қадриятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Машҳур мусаввир Бехзоднинг бетакрор санъати ҳақида сўз юритилар экан, Султон Хусайн Мирзо, Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Алишер Навоий, Бадиуззамон Мирзо каби тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар қаламга олинади.

Кўтали Зарриндаги воқеалар тасвирида Урфон Отажон бошқа муаллифлар ва

“Бобурнома”да учрамаган деталлар – ойболта ва гурзини кўллайди. Бобур совук олишига йўл кўймаслик учун харакатланиб туриш лозимлигини англайди ва улар ёрдамида турли жисмоний машқларни бажаради. Хамрохлари ҳам шундай йўл тутадилар. Ёзувчи гурзи воситасида корнинг калинлигини кўрсатмокчи бўлади (“...гурзи дастасининг ярмигача корга ботиб кетди”.) Шундан кейингина корни кураш эпизоди келтирилади. Амир Косимбек ва Бобур диалоги оркали шох ва шоирнинг хаволга кирмаслик сабаблари изоҳланади. “...Бобур ўз хамрохларини илхомлантириб ишончини козонар, уларни жасоратга ундар, зарур холларда ўзига бўйсундира олар эди...”, деб таъкидлайди хинд олими Л.П.Шарма. Хикояда Бобурнинг ана шу фазилатлари кўзга ташланмайди. Колаверса, Кўтали Зарриндаги воқеалар “Нукта”, “Мардлик” хикояларидагидек таъсирчан ифодаланмаган. Натижада, Бобур образи эмас, унинг хаёллари тарзида жонлантирилган Бехзод образи ёркинрок тасвирланган. Хикояда Маъсума Султонбегим хақидаги фикрларга ҳам ортикча ургу берилган. “Нукта”, “Мардлик” хикояларида бундай тасвир кузатилмайди.

Тарихий хикоялар ижод уммонининг сара дурларидир. Юкорида кайд этганимиздек, “Бобурнома”да келтирилган бир тарихий вокеликнинг уч ижодкор томонидан турлича талкин этилиши хикоячилигимизнинг имконият даражаси нақадар кенглигини кўрсатиб турибди. Тарихий хақиқат ва бадиий тўқиманинг махорат билан умумлаштирилиши тарих сабоқларини ўқувчига таъсирчан шаклда етказиш имкониятини бериши, шубҳасиз.